


9-may — Xotira va qadrlash kuni



ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ, ХОТИРАСИ БОҚИЙДИР

Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангтоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадрият ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонланаётгани бунинг яққол исботидир. Истиқлол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадри улуғланадиган муҳим тарихий санага айланган.

шунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга, саховат ва шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аجدодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш

тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида пиру бадавлат отахону онахонлар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳи-

да эътибор қаратилмоқда.

Катта ҳаётий тажрибага эга нурунийларимиз турли тадбирларда, тўй-маъракаларда, ёшлар билан суҳбатларда тинчликнинг, бугунги осойишта ва фаровон кунларнинг қадрига етиш ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ана шулар қаторида Чимбой туманида яшовчи тўксон бир ёшни қаршилаган Ўрингул момо Садуяхасова ҳам бор.

(Давоми иккинчи бетда)

Шу боис бугун ҳаёт бўлган нурунийларга чуқур ҳурмат-эҳтиром фазилатлари хотира ва кадр ту-

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш самарадорлиги тобора ортиб бормоқда. Кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 497²-моддасига мувофиқ, апелляция тартибидан иш юритиш маҳкум (оқланган шахс),

Bag'rikenglik tamoyillari

Апелляция институти

Одил судловни таъминлашнинг муҳим мезони

унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари шикоятни, шунингдек, прокурор ёки унинг ўринбосарининг протести бўйича кўзғатилади.

Апелляция шикоятни ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, эълон қилинган ҳукмдан норози бўлган томонлар ҳукм нусхасини қўлга олган кундан эъти-

боран белгиланган муддат ичида ҳукм чиқарган суд орқали берилиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 497²-моддаси 4-банди мазмунига кўра, маҳкумнинг аҳолини оғирлаштирадиган томонга апелляция шикоятни талаблари ўзгартирилишига фақат суд қарори устидан шикоят бериш учун белгиланган муддатларда йўл қўйилади. Бу муддат ўтгандан сўн-

берилган, маҳкумнинг аҳолини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан эътиборга олинмаслиги керак.

Жиноят-процессуал кодексининг 497⁸-моддасига мувофиқ апелляция шикоят(протести) берган шахс ўз шикоят(протести)ни, маҳкум эса, ҳимоячиси берган шикоятни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатларнинг кенг йўлга қўйилгани ва соҳага доир ҳуқуқий асосларнинг босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётгани юртимиз рағбатига хизмат қилмоқда.

Qonun ko'magi

Шартнома интизомини мустақамлаш

тарифлар манфаатига хизмат қилади

Айтиш керакки, Адлия вазирлиги томонидан 2014 йилнинг биринчи чорагида уч турдаги шартноманинг намунавий лойиҳалари манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда тайёрланиб, амалиётда қўллаш учун кенг омма эътиборига тақдим этилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги зиммасига ҳужалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш сингари вазифалар юклатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Тест синовларидаги янгиликлар

Илм-фан юксак тараққиётга эришиб, ахборот, компьютер технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда инсоннинг ҳар томонлама билим ва кўникмага эга бўлиши воят муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис фарзандининг ўзи танлаган касбни пухта ўзлаштиришига, бинобарин, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳар бир ота-она учун энг муҳим вазифалардан бўлса, давлат учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан биридир.



Айни пайтда мамлакатимизда ҳар бир шахс билим олиш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Таълим жараёни эса "Таълим тўғрисида"ги қонун асосида тартибга солинмоқда. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизга орзу ва мақсадларини рўйбга чиқариш, ўзи хоҳлаган касб билан шуғулланиш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаш имконини бераётир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Судья кадрлар захирасини шакллантириш ва малакасини ошириш

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигига асосланган ҳуқуқий тизимни шакллантиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида демократик талаблар инobatга олинган ҳолда бу борадаги қонунчилик асослари изчиллик билан такомиллаштирилди, суд кадрларини танлаш ва жой-ойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди.

Президентимизнинг 2012

йил 2 августда "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармонда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, юридик таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз миллий қонунчилик базасини инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда жинорий жазо тизимни тубдан ислоҳ қилиниб, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиши билан бирга соҳага оид қонунчилик ҳам такомиллаштирилиб борилаётган.

Qonun ijodkorligi

Инсонпарварлик тамойиллари

қонунчилигимизда янада мустақам ўрин олмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳофазасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам бу фикрнинг яққол тасдиғи.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасида суд жарима тартибидан жазо тайинланган шахсга қамоқда сақлаш

муддатини ҳисобга олиш тартибини белгилаш, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилишга алмаштирилган маҳкумлар учун тайинланган жазони манзил-колониаларда ўташ тартибини белгилаш назарда тутилган.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Хусусий мулк — дахлсиз

Мулк ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлиб, унинг муҳофаза этилиши шахс манфаатларини, турмуши фаровонлигини таъминлайди. Шу боис ҳам истиқлол йилларида айнан хусусий мулк дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги қонунчиликда мустақам ўрин олди ва бу амалда юртдошларимиз ҳаётида ижобий маъно ва мазмун касб этди.

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Айтиш керакки, Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 104-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хо-ҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва

қора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни тўлиқ маънода мулкдор ҳуқуқларига эга бўлади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Н.Хамроқулова жавобгарлар Р.Хушвақтов ва Х.Аҳмедовга нисбатан автомобилни қонунсиз эгаликдан олиб бериш, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Бироқ биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорига кўра, Н.Хамроқулованинг

Fuqarolik qonunchiligi

Хусусий мулк — дахлсиз



уни тасаруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишнинг бартараф этишини талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ кўлда сақлаб туришга қонуний эгаллаш, деб айtilса, қонуний асослар бўлмай туриб, бировларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бировнинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкни кўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш, деб айtilади.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда кўришидир. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага олувчига қонун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вақтда ижарага олувчида мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади. Шундан сўнг у ижара бўлиши билан мол-мулкдан фойдаланиши мумкин.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасаруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзида сақлаб туради. Фуқаро ўзига тегишли мулкни ўғирлатганда унинг кимнинг қўлида экани аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиши мумкин. Акс ҳолда, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи йўқолади.

Айтиш керакки, мулк эгаси ўзига тегишли мулк ҳуқуқидан гайриқонуний мақсадда, бировнинг зарарига фойдаланишига йўл қўйилмайди. Конституциянинг 54-моддасида мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатлари чегараси баён қилинган бўлиб, унга асосан, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишида эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзига хос аҳамиятга эга. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ош-

даъво аризаси рад қилинган.

Аниқланишича, Н.Хамроқулова 2006 йил 29 майдаги кредит шартномасига асосан "Матиз" русумли автомобилни сотиб олиб, уни ўз номига 2006 йил 1 июнда давлат рўйхатидан ўтказган.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида кўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларда вужудга келади.

Ушбу кодекснинг 185-моддаси 2-қисми талабига мувофиқ, агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқлангани керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганда эса рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Фуқаролик кодексининг 228-моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Н.Хамроқулова низоли "Матиз" русумли автомобилни юқоридаги қонун талабларига асосан қўлга киритган ҳамда унинг мулкни дахлсиз бўлса-да, биринчи босқич суди автомобилни умумий мулк, деб топшиш ҳақида нотўғри хулосага келган. Иш юзасидан қарши даъво талабини қаноатлантириш учун асос бўладиган муайян исботлаш воситаларининг мавжудлиги аниқланмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг апелляция инстанцияси ахрими билан мазкур иш бўйича чиқарилган суд қарорлари қисман бекор қилиниб, Н.Хамроқулованинг автомобилни қайтариб олиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фуқароларнинг мулк ҳуқуқлари доимо қонун ҳимоясида. Бировнинг қонуний мулкига нисбатан бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракат қонун йўли билан бартараф этилади.

С. НАБИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Бобёут туманлараро
судининг судьяси

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Иккинчи жаҳон урушининг азобу қийинчиликларини бошдан ўтказган онахон кейинчалик Тошкентда таҳсил олди. Узоқ йиллар Қорақалпоғистон Республикасида турли вазибаларда ишлади. Умр йўлдоши билан кейин фарзандни тарбиялаб камолга етказди. Бугунги кунда бир этак набира ва эваралар қуршовада кексалик гаштини сурмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг Фармонида кўра, ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг моддий рағбатлантирилаётгани биз, кексаларнинг кўнгилмизига тоғдек кўтарди, — дейди Урингул момо. — Шундан бўлса керак, ўзимизни доимо тетик ва бардам сезамиз. Тинч осуда юрда, тўқчилик замонида Юртбошимизнинг катта эътибор ва ғамхўрлигини, халқимизнинг меҳрини ҳис қилиб яшаётганимдан бахтиёрман.

Зеро, шукроналик билан яшамоқ олий неъмат, улф саодатдир. Хайрли ишларни ёдга олмоқ, мўтабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш кишига куч-қувват бағишлайди, руҳини поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

Шуни айтиш керакки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6 миллион 500 мингга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 минг нафари жангларда бевосита иштирок эт-

ган. 500 мингга яқин юртдошларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси беда-рак кетганини, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хотира майдонида миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларда ўша мудҳиш урушда ҳалок бўлган барча юртдошларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонатига тан бериш, уруш фожиаларидан сабоқ чиқаришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ин-



сон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўтабар эканини ифода этади.

Айни шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалари албатта, барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Авалло, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни асраб-авай-



лаб келаётганимизда. Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзининг учун барчамиз шу мусоффо осмонни сақлаш, асраш учун курашимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажакимизнинг мустақам пойдеворини бугун яратиш, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашсаман, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг,

авваламбор, ёшларимизнинг — менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим.

Хулоса қилиб айтганда, хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматини, тирикликнинг азалий мезонини, эл-юрт ва Ватан олдидаги жасоратини ёдга олмоқ халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан улғудир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Qonun ko'tagi

Шартнома интизомини мустақкамлаш

тарафлар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида адлия идоралари ходимлари ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, фермер ҳўжаликларини билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб келмоқда. Жумладан, адлия идоралари ходимлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида фермер ҳўжаликларини билан тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида имзоланиши кўзда тутилган 497 мингдан ортиқ шартномани тузиш чоғида тарафларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Бироқ ҳаётда баъзан тарафларнинг бири томонидан қонун доирасида тузилган шартнома шартларини тўлиқ бажармаслиқ, ҳатто унга риоя этмаслиқ сингари ҳўлатлар ҳам учраб туради. Бундан табиийки,

иккинчи тарафнинг қонуний манфаатларига зарар етади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, адлия идоралари томонидан 2014 йилнинг биринчи чораги давомида ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартномалар бажарилишига оид 34 минг 565 та қонун бузилиш ҳўлатига йўл қўйилгани аниқланди.

Айтиш керакки, бу қонунбузилиш ҳўлатларини бартараф этиш юзасидан тегишли давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларга 958 та оғохлантириш ва тақдимнома киритилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасида 3045 та шартнома қайта тузилиб, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бу борадаги 46 та ҳужжати бекор қилинди.

Шунингдек, 465 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 29 нафари эгаллаб

турган лавозимидан озод этилди. Киритилган тақдимномалар асосида манфаатдор тарафларга 34,6 миллиард сўм маблағ ундириб берилди.

Бундан ташқари шартномавий муносабатлар бўйича судларга 42,5 миллиард сўмлик 3471 та даъво аризаси киритилди.

Масалан, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан "Косонсой пахта толаси" ОАЖга нисбатан тумандаги "Тошкент" фермер ҳўжалиги манфаатларини кўзлаб, 6,6 миллион сўмлик маҳсулот ҳақи ва тўлов муддати кечиктирилганлиги учун 1,1 миллион сўм пеня ундириш ҳақида 2014 йилнинг 11 февраль кунини вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, фермер ҳўжалиги фойдасига 6,6 миллион сўм асосий қарз ва 667 минг сўм пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари Қашқадарё вило-

яти адлия бошқармаси томонидан "Қамаши дон қабул қилиш" ОАЖда ўтказилган ўрганишда шартнома мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаганлиги натижасида жамиятнинг муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги, маъмуллий маълум бўлди. Шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган "Қамаши дон қабул қилиш" ОАЖ раиси С.Кўчқоров ва бош ҳисобчи А.Мейлиевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида Қамаши тумани солиқ инспекциясига тақлиф киритилди.

Тўпланган ҳўжатлар солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилиб, жамият раиси С.Кўчқоров ва бош ҳисобчи А.Мейлиевнинг ҳар биридан 961.050 сўмдан жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шартнома интизомини мустақкамлаш, унинг шартларига тўлиқ риоя этиш тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш баробарида иқтисодийтимиз ривожига, юртимиз равақига хизмат қилади.

А. ТУРСУНОВ,

Адлия вазирлиги Шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

Bag'rikenglik tamoyillari

Апелляция

ноябрь кунини тунда улар яна ўғирлик қилиш мақсадида Э.Жалиловнинг ҳўлисига кириб, етти қоп шолани ўмариб кетган кетишган.

Айтиш керакки, жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман суди томонидан Н.Мансурова нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва айни пайтда Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори 7-банди "а" кичик бандига асосан жазонинг ўталмаган қисми учдан бир қисмга қисқартирилган.

Ушбу ҳукм юзасидан Н.Мансуров апелляция тартибиде вилоят судига шикоят қилган. Бундан ташқари вилоят прокуратураси томонидан ушбу

ҳукм бўйича судга суд ҳукмини ўзгартириб, судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб протест келтирилган.

Судланувчи апелляция шикоятда қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини билдириб, апелляция инстанцияси суддан шартли жазо тайинлашни сўраган.

Жиноят кодексининг 8-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳўқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллиги, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 54-моддасига биноан, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражаси, қилмишининг сабаби, ет-

казилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳўлатларни ҳисобга олиши зарур.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарориде судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқарраллиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши таъкидланган.

Ушбу Пленум қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳўлатларга мувофиқ бўлиши қайд этилган.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фармонда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий ҳужалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи белгилаб қўйилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 29 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармойишининг қабул қилиниши ва ушбу Фармойиш билан "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг тасдиқланиши судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизimini, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим босқичини бошлаб берди.

Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 10 апрелдаги ялпи мажлисида маъқулланган, 2014 йилнинг 22 апрелида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, кучга кирган "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги низомни (янги таҳрири) тасдиқлаш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилингани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Қайд этиш керакки, янги таҳрирдаги низомда судьялик лавозимига илк марта тайинланаётган номзодлар захирасини шакллантириш ва танлашнинг мутлақо янги тартиби назарда тутилди. Хусусан, ушбу низомга "Судьялар малака ҳайъатларининг биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантиришдаги иштироки" деб номланган янги 3-боб киритилди ва унга кўра, биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантириш ишлари Олий малака комиссияси томонидан судьяларнинг малака ҳайъатлари кўмагида адлия, прокуратура, суд ва ички ишлар органлари, шунингдек, фуқаролар иштирокида амалга оширилади. Шунингдек, низомда ушбу захирани шакллантиришнинг аниқ механизмлари ҳам ўз ифодасини топди. Хусусан, низомнинг 24-моддасида адлия, прокуратура, суд, ички ишлар органла-

рининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари ўз ходимлари орасидан биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш учун номзодларга доир тақлифлар ва зарур материалларни умумий юрисдикция судлари судьяларининг малака ҳайъатларига, ҳужалик судлари судьяларининг малака ҳайъатига йилнинг ҳар чорагида алоҳида алоҳида юбориши белгилаб

гиланиши талабгорлар учун қулайлик яратиш билан бирга захирга олиш жараёнларининг очиқлигини ҳам таъминлайди. Хусусан, низомнинг 24-моддасига биноан аризага номзод томонидан ўз қўли билан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақаси ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспортнинг кўчирма нусхаси ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган олий юридик маълумот тўғрисидаги дип-

жумласидандир (27-модда). Биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар Юристар малакасини ошириш марказида ўқиш, шунингдек, тегишли судларда стажировкадан ўтиш даврида меҳнат вазифаларини бажаришдан асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда озод этилади. Биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахсга ўқиш ва стажировка натижаларига кўра, Юристар малакасини ошириш маркази томонидан сертификат берилди, Олий малака комиссиясига, Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига эса, номзоднинг назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлиги ҳақида хулоса тақдим этилади.

Yangi qonun mohiyati

Судья кадрлар захирасини шакллантириш ва малакасини ошириш

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди

қўйилди. Бундан ташқари низомда ўз ходимлари орасидан биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш учун номзодлар бўйича тақлифлар ва зарур материаллар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Олий ҳужалик суди ва Ички ишлар вазирлиги томонидан юборилиши мумкинлиги ҳам ўз ифодасини топди. Шунингдек, низомда биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритилиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам Олий малака комиссияси бевосита ёхуд судьяларнинг тегишли малака ҳайъати орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Низомнинг янги таҳририда биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан аниқ талаблар белгиланди. Унга кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу захирга киритилиши мумкин.

Мазкур низом билан биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш ҳақидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатининг бел-

ломнинг нотариал тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси, меҳнат дафтарида тасдиқланган кўчирма, соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома, иш жойидан маълумотнома-тавсифнома, ташкилот номидан тавсифнома, фикрномалар (камида уч кишиники) илова қилинади.

Айтиш керакки, янги таҳрирдаги низомнинг 24-моддаси билан биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш ҳақида ушбу низом талабларига риоя этилган ҳолда берилган тақлифи (материали) ёки аризани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қонуннинг белгиланиши Судьялар малака ҳайъатларининг маъсулиятини янада оширишга хизмат қилади.

"Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги низомни (янги таҳрири) тасдиқлаш ҳақида"ги қонунга киритилган янгиликларидан бири бу судьялик лавозимига кўрсатилаётган номзодлар, судья кадрларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга нисбатан талабларнинг кучайтирилганлиги билан боғлиқдир. Хусусан, биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар захирасига киритилган шахслар Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида ўқитилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг тегишли судларида стажировкадан ўтиши ҳақидаги қоидаларнинг белгиланиши шулар

томонидан ижобий тавсифланган. Маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда Н.Мансуровнинг хулқини назорат қилишни кафиликка олиш ҳақида қарор қабул қилинган. Судланувчининг яшаш жойидаги қишлоқ врачлик пунктининг 2013 йил 4 мартдаги маълумотномасида Н.Мансуровнинг турмуш ўртоғи Ф.Носирова № 92 тиббий карта бўйича ҳомилдорлик рўйхати олинган.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган фикрга келиб, шартли ҳукм қўллашни лозим, деб топди.

Апелляция инстанция суди туман судининг 2013 йил 14 февралдаги Н.Мансуровга № 92 тиббий карта бўйича ҳомилдорлик рўйхати олинган. Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган фикрга келиб, шартли ҳукм қўллашни лозим, деб топди.

Хулоса қилиб айтганда, апелляция инстанцияси нафақат биринчи босқич судларининг хато ва камчиликларини тузатади, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланишига ҳам хизмат қилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори

Qonun ijodkorligi

Инсонпарварлик тамойиллари

қонунчилигимизда янада мустақкам ўрин олмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг ўзбек ва рус тилларидаги матнларидаги айрим меъёрлар ўзаро мувофиқлаштирилмоқда.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда Жиноят кодексининг 62-моддасига мувофиқ, суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқнинг ҳар бир кунини: қамоқ, интизомий қисмига жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига; ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди.

Айни вақтда Жиноят кодексига суд томонидан жарима тайинланган тақдирда дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш тартиби кўзда тутилмаган. Бу эса, шундай тоифадаги шахсларга жарима тариқасидаги жазо тайинлашда дастлабки қамоқ вақти ҳисобга олинмаслигига сабаб

бўлади. Қайд этиш жоизки, халқаро қонунчиликда қамоқда сақланган маҳкумга жарима тариқасидаги жазо тайинлашда, қамоқда сақлаш муддатини ҳисобга олган ҳолда тайинланган жазони тенглаштириш ёки бутунлай ундан озод қилиш тартиби белгиланган.

Тақлиф этилаётган жарима тариқасидаги жазони ҳисоблашда дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш тартибининг қабул қилиниши фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва одиллик принципларига тўлиқ мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши суд-ҳуқуқ ислохотларини янада юқори сифатга кўтаришда маҳкумга хизмат қилади. Бу эса, албатта, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояси кафолатли таъминланишини янада мустақкамлайди.

Феруза ОМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Илтимос, шахсий сугурта шартномаси ҳақида маълумот берсангиз?

— 2014 йил 10 апрелдаги ялпи мажлисида маъқулланган, 2014 йилнинг 22 апрелида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, кучга кирган "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги низомни (янги таҳрири) тасдиқлаш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилингани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

О. ЭЛМУРОДОВ,
Пахтакор тумани

— Шахсий сугурта шартномаси бўйича бир тараф (сугурталовчи) бошқа тараф (сугурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (сугурта мукофоти) эвазига сугурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (сугурталовчи)нинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (сугурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (сугурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий сугурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс сугурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий сугурта шартномаси сугурталовчи томонидан шартномада назарда тутилган ҳақ (сугурта мукофоти) эвазига сугурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (сугурталовчи)нинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (сугурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (сугурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий сугурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс сугурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сугурталовчи деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасини шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (сугурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (сугурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий сугурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс сугурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий сугурта шартномаси сугурталовчи томонидан шартномада назарда тутилган ҳақ (сугурта мукофоти) эвазига сугурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (сугурталовчи)нинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (сугурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (сугурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Саволат ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА
жавоб берди.

Халқимизнинг яхши удуми бор: кимки иморат қурса ёки машина харид қилса, яқин қўни-қўшни ва хеш-ақраболар уни албатта, муборакбод этишдади ва яхши тилаклар тилашдади. Ҳаётнинг шундай бахтли онлари хонқалик Аҳмедовлар оиласига ҳам насиб этди. Улар фуқаро Р.Отаевнинг "Матиз" русумли автомобилсини сотиб олишди.

Jinoyat va jazo

Йўл ҳаракати қоидалари

унга риоя этмасга қонуний жавобгарлик сабаб бўлади

Тўғриси, Азамат ота-онаси сотиб олган "Матиз"ни кўрди-ю, ундан кўз узоқмай қолди. Кўнгли оила мулкига айланган "тойчоқ"ни миниб, маҳалла-қўйга кўз-кўзлашнинг тусадди. Сотувчининг "Машина номингизга ўтмагунча уни ҳайдаманг", деган талаби ҳам бир пасда унутилди. Машина шу алфозда Азаматнинг кундалик эрмағи, овунчо-

ғига айланди. У ана шундай кунларнинг бирида янги иморат қураётган тоғаси Анвар Одиловнинг хонадонига ҳашарга машинада борди. Кечқурунғача иморат қурилишига кўмаклашиб, сўнгра амаквивачаси Акмални ҳам ёнига ўтказганга ўз уйлари қолиб, туман марказидаги ошхона сари йўл олишди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ИНСТИТУТИ

Одил судловни таъминлашнинг муҳим мезони

Н.Мансуровнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби унинг ўз айбига икror бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари жиноят ишидаги мавжуд далиллар, яъни нарсани олиш баённомаси ва жабрланувчиларнинг кўрсатмалари билан тўлиқ исботланган. Биринчи босқич суди иш ҳолатларини тўғри баҳолаган, аммо судланувчига нисбатан жазо тайинлашда юқоридagi қонун талаби ва Олий суд Пленуми қароридagi раҳбарий тушунтиришларга риоя қилмаган. Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддасига кўра, суд жиноят ишини апелляция тартибда кўришда ҳукмининг адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс

иштирокчилари қўшимча тақдим этган материаллар асосида текшириб чиқиши лозим. Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 13-бандига биноан, ишларни апелляция тартибда кўришда судлар томонидан ҳукм чиқариш пайтида жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қилинганлиги, тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозим. Суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбланувчининг шахси, жазони тенглаштирувчи ҳолатлар

ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгариштириш киритилган тақдирда, апелляция инстанцияси суди ўз қарорини асосланган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони тенглаштириш масаласини муҳокама қилиши шарт. Ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва апелляция инстанциясига адвокат томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, судланувчининг жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас. У қилмишидан чин кўнглидан пушаймон, муқаддам судланмаган, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган. Судланувчининг шахси у яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғини

томонидан ижобий тавсифланган. Маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда Н.Мансуровнинг хулқини назорат қилишни кафиликка олиш ҳақида қарор қабул қилинган. Судланувчининг яшаш жойидаги қишлоқ врачлик пунктининг 2013 йил 4 мартдаги маълумотномасида Н.Мансуровнинг турмуш ўртоғи Ф.Носирова № 92 тиббий карта бўйича ҳомилдорлик рўйхати олинган. Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган фикрга келиб, шартли ҳукм қўллашни лозим, деб топди.

Хулоса қилиб айтганда, апелляция инстанцияси нафақат биринчи босқич судларининг хато ва камчиликларини тузатади, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланишига ҳам хизмат қилади.

Шухрат АХМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Тест синовларидаги янгиликлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунинг учун навбатдаги ўқув йили ниятига етиши билан, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун масъулиятли ва ҳажонли дамлар бошланади. Негаки, улар ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бирини қабул қилиши, яъни касб танлаши керак бўлади. Бу йил олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишларига кўплаб янгиликлар киритилди, кириш имтиҳонлари тизимида ҳам айрим ўзгаришлар жорий этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 30 апрелда қабул қилинган Республика олий таълим муассасаларида қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ЎА мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Жаҳонгир Исмоилов билан олий таълим муассасаларида ўқишга кириш имтиҳонлари тизимига киритилган янгиликлар ҳақида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида ўқишга кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича бир хил тизимни жорий этишда етакчилик қилмоқда. Зеро, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологиялари асосланган ҳолда тест синовлари ёрдамида баҳолаш тизими шахснинг интеллектуал ривожланиши даражасини аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги "Олий таълим муассасаларида қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" ги қарори ва Олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилмоқда. Тест синовлари ўқувчилар билимини баҳолашда субъектив омилларни четлаб ўтиб, мазкур жараёнда кўпроқ ҳолисликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлиши интилиши йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 2012 йилда олий таълим муассасаларида 432 минг, 2013 йилда 480 минг нафардан зиёд абитуриент ҳужжат топширган.

Замонавий тестология, тест топшириқларини текшириш назариясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг сифатини ошириш 2014 йилда ҳам Давлат тест марказини ривожлантириш борасида стратегик вазифаидир.

— **Айтинг-чи, жорий йилда олий таълим муассасаларида қабул қилиш тартибига қандай ўзгаришлар киритилди?**

— Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасалари бакалавриятга



танлаган мутахассислиги бўйича ўқишга қараётган абитуриентларни тест синовидан ўтказиш сифати ва ҳолислик даражасини ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида шу йил 30 апрелда Республика олий таълим муассасаларида қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларида қабул қилиш давлат комиссиясининг 2014 йил 1 майда бўлиб ўтган йилги йилгида бу борадаги тегишли масалалар муҳокама этилди.

2014-2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовлари информатика ва ахборот технологиялари тааллуқли савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Мисол учун, математика бўйича 30 савол, информатика ва ахборот технологиялари бўйича 6 савол киритилди.

Тест синовларига математика фани ҳам киритилди. 168 таълим йўналишининг 108 таси бўйича имтиҳонларга юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш кутилмоқда. Чунки, "Математика фанини ўқитиш услуби", "Физика ва астрономия фанини ўқитиш услуби", "Кимё фанини ўқитиш услуби", "Физика", "Иқтисодиёт", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Электроника ва асбобсозлик" ва бошқа таълим йўналишлари шулар жумласидандир.

Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда (3,1 балл даражасида баҳоланади) мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга қабул қилишда тест синовларига киритилган фанлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгилаш борасида салмоқли

ишлар амалга оширилди.

Мухтасар айтганда, таълим йўналишлари таҳлил этилиб, 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар, жумладан, 22 йўналиш бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта кўриб чиқилди. "Геофизика", "Кончилик иши", "Нефть ва газ конларига ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиш", "Электротехника, электромеханика ва электр технологиялари" (соҳалар бўйича), "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" (соҳалар бўйича) ва бошқалар шундай фанлар жумласига қиради.

Жорий этилаётган мазкур янгиликлар абитуриентлар билим даражасини ҳолисона баҳолашда мутахассисликка оид фанларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

— **Тест синовлари тизимига яна қандай қўшимча фанлар киритилди?**

— Маълумки, чет тиллар шахсни шакллантириш ва унинг билим даражасини оширишда муҳим ўрин тутди, глобал ахборот маконида ҳар томонлама билим олиш, бошқа мамлакатларнинг маънавий бойликлари, илмий салоҳиятидан бохабар бўлишга ёрдам беради, бошқа халқлар ва киллари билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини яратди.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. Унга биноан бу йил тест синовлари тизимига 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилаётган. Шундай қилиб, чет тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 дан 59 тага етди.

Булар "Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси" (транспорт турлари бўйича), "Радиоэлектрон усқуналар ва тизимлар" (соҳалар бўй-

ча), "Телекоммуникация", "Информатика ва ахборот технологиялари" (соҳалар бўйича), "Ахборот хавфсизлиги" (соҳалар бўйича), "Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти" (соҳалар бўйича), "Энергетика", "Автомобиль ва тракторсозлик" ва бошқа йўналишлардир.

Яна шуни қайд этиш керакки, жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирматага кўпайтирилди. Булар, масалан, "Механика", "Геофизика", "Кончилик иши", "Нефть, газ ва кимё саноати технологияси", "Электротехника, электромеханика, электр технологиялари" йўналишларидир.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони ўн саккиздан йигирма биттага кўпайди. "Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилик", "Зоотехния" (турлар бўйича), "Ветеринария" ва бошқалар шулар жумласидандир.

— **Кириш имтиҳонлари тизимига жорий этилган ўзгаришлар тест саволларини тайёрлаш жараёнига қандай таъсир кўрсатади?**

— 2014 йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қараётган абитуриентлар тест синовидан ўтказиладиган фанлар бўйича савол ҳамда топшириқлар рўйхати ҳам қайта кўриб чиқилди. Бунинг учун тест саволларини тузиш бўйича экспертлар гуруҳи таркибига олий ўқув юрталари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг икки юзга яқин тажрибали ўқитувчиси, юқори малакали мутахассислар, илмий кадрлар жалб этилди.

Улар барча фанлар бўйича тест синовларига киритилган саволларни ўрганиб чиқди. Бунда абитуриентларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти, дунёқараши, тест синовлари ўтказиладиган фанларни қанчалик чуқур билишини аниқлашга қаратилган тест саволларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар якуни бўйича замонавий талабларга мос, олий таълим муассасаларида ўқишга киришни истаган ёшларнинг билим даражасини ҳолисона баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилди.

Олий таълим муассасаларида қабул қилиш тартибига киритилаётган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот, информатика ва ахборот технологиялари бўйича тест саволлари ҳамда вазифалари дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ваколатли давлат органлари сайтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг сайти орқали абитуриентлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига етказилди.

ЎА мухбири **Мехрибон МАМЕТОВА** суҳбатлашди.

Garoyib olam

Ҳаётда шундай одамлар ҳам учрайдики, улар учун биргина нигоҳ кучи билан пиёлан ўрнидан қўзғатиш ёки ҳеч қандай мосламалар эслонунлар бинога кўтарилиш одғий бир ҳол саналади.

Биз билган ва билмаган дунё



НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛИ КИШИЛАР

Масалан, XIX асрда яшаб ўтган шотландиялик Дэниэл Данглас Ҳюм ҳавода муаллақ туриш қобилиятига эга бўлган. Унинг Лондонда намоиш этган томошалари ўша пайтда катта шов-шувга сабаб бўлган. Гуволарнинг айтишича, Ҳюм ердан кўтарилиб, ҳавода муаллақ тарзда қотиб турган. Бундан ташқари у кўпчиликнинг кўз ўнгига учинчи қаватда жойлашган хонадон деразасидан бамисоли қуш сингари учиб чиқиб, бошқа деразадан ичкарига учиб кирган. Қизиги, Ҳюм ўз маҳоратини шу қадар юксак савияда намойиш этганки, уни ҳеч қим қўз-бўямачиликда айблашга журъат қилмаган.

Ҳаётда худди магнит сингари ўз танаси орқали металл буюмларга "тортиш" каби таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлган одамлар ҳам учраб туради. Лекин яқинда малайзиялик 80 ёшли Лиу Тоу Линнинг бу борадаги қобилияти ўзига хос рекорд натижа бўлди, чунки у ўз танаси магнит майдонига у-бу металл буюмларгина эмас, балки бус-бутун энгил автомобилни "тортиб" келтира олди. Бу ажойиботнинг сирини ўрганишга бел боғлаган мутахассислар Тоу Линнинг организмда ҳеч қандай фойдаланган қурашмаган, аксинча, унинг танаси 80 ёшли нуронийга хос бўлган тарзда ривожланиш ва қариш аломатларига эга, деган хулосага келишган. Қарианинг ўзи эса, бу айри-айри имкониятлар шажа-раида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб ҳодиса эканлигини маълум қилган. Унинг фарзандлари ва набиралари ҳам шундай қобилиятга эга.

Ноёб қобилияти туфайли номи Гиннесснинг рекордлар китобига бешинчи марта киритилган америкалик Дэниэль Браунинг Смит эса, ўзининг айри-айри имкониятига эга эканлигини болалигидан кўриб қолган. Дэниэль бу тарздаги қобилиятини анча ривожлантиришга муваффақ бўлган. Унинг изла-нишлари натижаси шуки, 2000 йилда Дэниэль раҳбарлигида "Кўзи оғирлар учун таниш дунё" деб ном олган ташкилот тузилган бўлиб, у ўз атрофида 25та давлатдан келган 500 нафар кўнглили мутахассисларни бирлаштирган. Улар кўзи оғир болаларга экология имкониятларидан фойдаланиш сирларини ўргатиш, улар учун нотаниш дунёнинг эшикларини очиб беришга ҳаракат қилишади.

Интернет материаллари асосида **Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА** тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Туман марказидаги тамадхоналарнинг бирида улар роса балиқхўрлик қилиб, спиртли ичимлик ҳам ичишди. Машинани спирт-ли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқариш қонунга хи-лоф экани Азаматнинг ҳаё-лига ҳам келмади. Аксинча, инон-ихтиёрини ҳавойи ўй-хаёллар гирдобига топшир-ди. Шу зайлда у синфдош дўсти Викторнинг уйига йўл олди. Азаматни маст ҳолда кўрган Виктор машинани шу ерда қолдириб кетишни сўради. Аммо Азамат бунга рози бўлмагач, "Майли, уни менга бер, уйингга ўзим эл-тиб қўяман", дея ўтинди. Аза-мат бунга ҳам кўнмай маши-нани ҳайдаганча бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Азамат қайфи тарақ ҳолда машина ҳайдаётган чоғ кат-та кўчада яна бир автоулов — Самандар Ёқубов бошқаруви-даги "Дамас" машинани ҳам ҳаракатланарди. Аслида Са-мандар ака тўхтаб, тун қорон-ғусида қудалари ҳамда улар билан хайрлашгани маши-надан тушган турмуш ўртоғи Гавхаржоннинг кўчани кесиб ўтишини кузатаётган эди.

Шу пайт эндигина "Да-мас" дан тушиб, катта кўчани кесиб ўтишга ошқан йў-ловчилару кўча чеккасидаги автоулов рўпарасида бошқа бир машина пайдо бўлди. Катта тезликда елиб келаёт-

Jinoyat va jazo



ган иккита машинанинг ўзаро ғайритабиий пойғаси "Да-мас" ҳайдовчисини дарҳол сергак тортирди. Мана, ма-шиналардан бири йўлнинг чап тарафига ўтганча транс-порт воситаларига қарама-

автомашинаси қаттиқ қал-қиб кетди...

Орадан кўп ўтмай бари равшан тортиди. Содир этил-ган фалокат оқибатида энди-гина "Дамас" автомашинаси-дан тушиб, уйи сари йўнал-

ди. Ваҳоланки, Йўл ҳаракати қоидаларининг 4.1-бандида: "Йўл-транспорт ҳодисаси со-дир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар транспорт воси-тасини дарҳол тўхтатиши, фалокат ёруғлик ишоралари-ни ёки фалокат сабабли тўхташ белгиси (милтилов-чи қизил чирок)ни ўрнати-ши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюм-ларни жойидан қўзғатмасли-ги, шикастланганларга би-ринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур бўлган чораларни кўриши, "Тез тиббий ёрдам-ни чақиритиш, шовиланч ҳолларда эса, шикастланган-

ган Раёно Ёқубова шифохо-нада, машинанинг бошқа 2 нафар йўловчиси: Гавхар Ёқубова ва Гулистон Нурматов-лар воқеа жойида жон таслим этишгани, Самандар аканинг машинаси энгил шикастлан-гани маълум бўлди.

Таассуфки, "Матиз" маши-наси ҳайдовчиси Азамат Аҳмедов транспорт восита-сини амалдаги "Йўл ҳарака-ти қоидалари"га мутлақо хи-лоф равишда: бирон-бир ҳужжатсиз, янада ачинарли-си, маст ҳолатда бошқарди,

қолаверса, пиёдаларга нис-батан ниҳоятда эҳтиёткорлик чораларини унутди, ҳаракат серкатновлиги, йўл ва об-ҳаво шароити, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни назарга олган ҳолда тез-ликни асоссиз равишда оширди, қаршида хавф ёки тўсиқ пайдо бўлганда ри-оя этиши лозим бўлган амалдаги тартибни кўпол равишда бузди, кўзи қамашган ҳайдовчи фалокат-дан оғоҳ этувчи чироклари-ни ёқиши, ҳаракатланиш йўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак, деган қоида-га амал қилмади. Оқибатда унинг ҳаракатлари юқорида қайд этилган фожа билан якун топди. Бундан ҳам ачи-нарлиси, Азамат Аҳмедов воқеа жойидан қочиб кетди.

Ваҳоланки, Йўл ҳаракати қоидаларининг 4.1-бандида: "Йўл-транспорт ҳодисаси со-дир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар транспорт воси-тасини дарҳол тўхтатиши, фалокат ёруғлик ишоралари-ни ёки фалокат сабабли тўхташ белгиси (милтилов-чи қизил чирок)ни ўрнати-ши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюм-ларни жойидан қўзғатмасли-ги, шикастланганларга би-ринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур бўлган чораларни кўриши, "Тез тиббий ёрдам-ни чақиритиш, шовиланч ҳолларда эса, шикастланган-

ларни яқин орадаги даво-лаш муассасасига шу йўна-лишда кетаётган транспорт-да жўнатиши, бунинг иложи бўлмаган ҳолларда, ўз транс-порт воситасида олиб бори-ши, у ерда ўз исм-шарифи-ни, транспорт воситасининг белгисини билдириши (ҳайдовчилик гувоҳномасини ёки ўз шахсини тасдиқлов-чи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжати-ни кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб кели-ши шарт" дейилган.

Таассуфки, А.Аҳмедов ушбу талабларнинг ақалли биронтасини ҳам адо этма-ди. Бинобарин, суд ва тер-гов масаланинг шу ва бошқа жиҳатларини, айбнинг оғир-лаштирувчи ва энгиллашти-рувчи ҳолатларини инобат-га олиб, судланувчи Азамат Аҳмедовни Жиноят кодекси-нинг 266- ва 117-моддалари 3-қисми "а" бандлари билан тегишли жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўткинчи ҳою-ҳавас-га берилиб эмас, балки амалдаги қонун ва қоидалар-га амал қилиб яшаган одам зиён кўрмайди ва атрофда-гиларга ҳам зарар етказмай-ди. Буни ўз ҳаётига татбиқ этган инсон асло адашмай-ди.

Яшин **БОЛТАЕВ**, жиноят ишлари бўйича **Хонқа туман суди раиси Абдулла СОБИРОВ**, "Куч — адолатда" мухбири

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Шоюнус ГАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор

ХАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод

ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-525. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табак, Сотува эркин нарҳда. Адади: 7310.

1 2 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰